



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 2/1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
и.ф.д. Ф.А.Сафаров
катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:
и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:
PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
ассис. Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

Анвар Нематович Холиқулов "ZILOL BAXT" меҳмонхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари	78
Ibragim Xudayarovich Nimatov Zamonaviy turizmدا motivlashtirishga ta'sir etuvchi omillar tahlili	82
Sarvinoz Ashurova The importance of Guest houses in the tourism industry of Uzbekistan	87
Собир Худойбердиевич Махмудов Тарихий-маданий туризм салоҳияти ва уни баҳолаш	92
Шахноза Шомуротовна Тошпулатова Навоий вилоятининг тарихий - архитектура ёдгорликларидан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари	97
Gulmira Rabbonovna Tursunova, Diyora Istamovna Ochilova O'zbekistonda gastronomik turizmni rivojlantirishning italiya tajribasi	100
Mahliyo Yaxshiboy qizi Umarova O'zbekistonning mavjud turizm salohiyatidan kengroq foydalanish yo'llari hamda xususiyatlari	104
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Музей туризмни ривожлантириш – аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий омили	107
Фарух Тохирович Шукуров Туризм соҳасидаги тадқиқотларнинг эпистемологияси ва билимларнинг манбалари	111
Akmal Odilovich Odilov Turizm sohasida marketing tadqiqotlarining	115
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Абдухолик Эгамович Тангиров Инновацион иқтисодиёт шароитида корхоналарни бошқариш ва уни такомиллаштириш	118
Хасан Абдусаидович Рахимов Туризм ва меҳмонхона соҳасида кадрлар менежментининг мазмуни, турлари ва улардан самарадорликни оширишда фойдаланиш йўллари	121
Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизмларининг эволюцияси	127
Лариса Алижоновна Мусабаева, Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов Истеъмол бозорини ривожлантиришнинг дастурий механизмлари самарадорлигини ошириш йўллари	132
ИНВЕСТИЦИЯ	
Шахноза Сайдуллаевна Музрапова Инвестицион мулк ҳисобини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари	137
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасига инвестицияларни жалб қилишнинг “ЗХ+ФКИ” моделидан фойдаланишнинг стратегик йўналишлари	142
Saida Azatovna Sheraliyeva Erkin iqtisodiy zonalarga xorijiy investitsiyalarni jalb etish	147

Анвар Нематович Холиқулов – СамИСИ, “Иқтисодий таҳлил ва статистика” кафедраси
мудири, и.ф.н., доцент

"ZILOL BAXT" MEХMONXONASI САМАРАДОРЛИГИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА УЛАРНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уларни аниқлаш йўллари, хизмат кўрсатиш корхоналари умумий иқтисодий самарадорлигини аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сузлар: иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизматлар соҳаси, самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили.

Кириш. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги юқори бўлиши учун доимо миқозларнинг фикр-мулоҳазаларини турли хил усуллар билан олиб бориши лозим, чунки замон ривожланиши билан кечаги кундаги ўта муҳим бўлган хизмат тури бугунги кунда ҳеч нарсага арзимаё қолиши мумкин. Харидорларга ҳозирги кунда қайси хизматлар зарурлиги билиб олиш учун турли хил сўровномалар, турли хил конкурслар ўтказиш орқали билиб олиши мумкин. Бундан ташқари, билдирилган шикоятларни баргараф этиш ҳам миқозларнинг кўрсатилган хизматлардан қонқиш даражасини орттириб боради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар масалалари хорижлик олимлардан¹, Боден М., Милес И., Еиченгреен Б., Гупта П., Есченбач Ф., Хоекман Б., Триплетт Й. Е., Босвортх Б. П., Корцзынски Л. М., Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А., Сосунова Л.А., Чернова Д.В., Басс А.Я., Разомасова Е. А., Плотников В.А., Иваненко М.Г., Хайруллина Д.Р. ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Ушбу муаммоларни ўрганишга ўзбекистонлик олимлардан² М.Қ.Пардаев, М.М. Мухаммедов, Қ.Ж. Мирзаев, О.М. Пардаев, И.С.Тухлиев ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, макон ва замон, тизимли ёндошув каби услублардан, натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқлик функционал бўлганда молиявий-иқтисодий таҳлилнинг анъанавий усуллари ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини аниқлаш ва уларнинг ривожланиш даражаси қай ҳолатда эканлигини тўғри тасаввур қилиш учун ани маълумотлар асосида таҳлил қилиши мақсадга мувофиқ. Биз шунинг учун ҳозирги вақтда Самарқандда ўз ўрнига эга бўлиб бораётган "ZILOL BAXT" mas'uliyati cheklangan jamiyati меҳмонхонаси маълумотлари асосида ҳолатини таҳлил қилиш орқали тадқиқотлар олиб бордик. Ўрганилаётган даврда ушбу кўрсаткичларнинг ҳолатига амалий жиҳатдан баҳо бериш учун куйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз (1-жадвал).

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларида «Зилол-бахт» меҳмонхонасининг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлаб чиқдик. Биринчи кўрсаткич узоқ муддатли активлар рентабеллигидир. Бу кўрсаткич ўтган йили 48,78, жорий йилда эса 3,12 ни ташкил этмоқда. Бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкин корхона узоқ муддатга қўйилган инвестициянинг 2019 йилда 48,78 фоизи, 2020 йилда 3,12 фоизи ўзига қайтаётганлигини кўришимиз мумкин. Албатта бу кўрсаткичларни қиёслаганда 2019

¹ Boden M., Miles I. (ed.). Services and the Knowledge-based Economy. – Psychology Press, 2000.; Eichengreen B., Gupta P. The two waves of service-sector growth //Oxford Economic Papers. – 2013. – №. 1. – pp. 96-123.; Eschenbach F., Hoekman B. Services policy reform and economic growth in transition economies, 1990-2004. – The World Bank, 2005.; Triplett J.E., Bosworth V.P. Productivity in the US services sector: new sources of economic growth. – Brookings Institution Press, 2004.; Бурменко Т.Д., Даниленко Н.Н., Туренко Т.А. Сфера услуг: Экономика: учебное пособие// М.: кнорус. – 2007. -Т. 328 с.; Плотников В.А., Иваненко М.Г. Подходы к анализу понятий «сервис» и «услуга». Журнал. Техничко-технологические проблемы сервиса №3(33) 2015, стр.70.; Хайруллина Д.Р. Повышение эффективности управления развитием малых предприятий сферы услуг: дис. канд. экон. наук. 2014. – 230 с.;

² Мухаммедов М.М., Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлиги ва даромадлари. Монография. «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи». 2021. 186 б.; Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.;

"ZILOL BAXT" mas'uliyati cheklangan jamiyati меҳмонхонасида самарадорлик кўрсаткичларининг 2022-2023 йиллардаги ҳолатининг ҳисоб-китоби

№	Кўрсаткичлар	2022 йил	2023 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати,%
Мутлақ кўрсаткичлар					
1.	Сотилган маҳсулот (хизмат) дан тушум, минг сўм	4 961 528	2 531 388	-2 430 140	51,0
2.	Сотилган маҳсулот (хизмат) ларнинг таннари, минг сўм.	2 004 196	1 718 592	-285 604	85,8
3.	Соф фойда, минг сўм	2 374 049	196 605	-2 177 444	8,3
4.	Узоқ муддатли активлар, минг сўм	4 866 456	6 302 743	1 436 287	129,5
5.	Жорий активлар, минг сўм	1 436 287	636 533	-1 372 634	44,3
6.	Моддий техникалар, минг сум				
7.	Тўлиқ фаолият кўрсатганда потенциал койка/ кунлари	100	100	0	100
8.	Фойдаланилган койка/ кунлари	90	45	45	50
9	Ходимларнинг ўртача сони, киши	28	30	2	107,1
Нисбий кўрсаткичлар					
9.	Узоқ муддатли активлар рентабеллиги,% (3к*100/4к)	48,78	3,12	-45,66	6,396
10.	Жорий активлар рентабеллиги, % (3к*100/5к)	165,29	30,89	-134,4	18,688
11.	Умумий инвестициянинг қопланиш коэффиценти (4к/3к)	2,05	32,06	30,01	1563,902
12.	Хизмат кўрсатиш корхонасида бир ўринга тўғри келадиган ўртача тушум, минг сўм 1к/7к	49615,28	25313,88	-24301,4	51,020
13.	Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалардан фойдаланиш коэффиценти 8к/7к	0,9	0,45	-0,45	50
14.	Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалар самарадорлиги коэффиценти 1к/8к	55128,09	56253,07	1124,98	102,04
15.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (меҳнат унумдорлиги), минг сўм 1к/9к	177197,4	84379,6	-92817,8	47,619
17.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматлар сони (меҳнат унумдорлиги, натурал)	532	356	176	66,91
18.	Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматларнинг тури, коэффицентда	52	56	4	107,7
19.	Хизмат кўрсатиш корхонаси ҳисоботи даврида қилинган харажатлар рентабеллиги, % (3к*100/2к)	118,45	11,44	-107,01	9,658
20.	Ҳар бир кўрсатилган хизмат турларининг ўртача таннари	1376,5	1022,97	-353,53	74,32

йилдагига қараганда, 2020 йилда корхона узоқ муддатли активлар рентабеллиги қврийиб 16 баробар камайиб бормоқда. Бунга энг асосий сабаб, 2020 йилда бошланган карантин даври сабаб бўлмоқда. 2020 йилда нафақат юртимизда, балки бутун дунё мамлакатларида ҳам меҳмонхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари камайиш тенденциясига эга бўлган.

Навбатдаги кўрсаткич жорий активлар рентабеллиги. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори жорий йилда ушбу корхонани реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, янги жиҳозлар олиш каби ишлар учун жорий активларнинг самарадорлигини ифода этади, яъни шу активлар бир йилда қанча фойда келтирганлигини кўрсатади. Агар ўтган йиллар билан таққосланадиган бўлса, аҳвол қай тарафга ўзгараётганлигини ва унинг самарадорлигидаги ўзгариш тенденциясининг йўналишларини аниқлаб, уларга баҳо бериш имконияти туғилади. Бу меҳмонхонада жорий активлар рентабеллиги ўтган йилда 165,29 фоизни, жорий йилда 30,89 фоизни ташкил қилмоқда.

Меҳмонхона хўжалигига қўйилган инвестициялар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири умумий инвестициянинг қопланиш коэффициентидир. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори қўйилган инвестицияларнинг неча йилда тўлиқ қопланишини ифодалайди. Зилол-бахтс меҳмонхонасида ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўтган йили 2,05 ни, жорий йилда 32,09 ни ташкил этмоқда, бундан кўриниб турибдики, шу икки йил давомида 34,14 қисмини қоплапти. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, агарда меҳмонхона 2019 йилдаги даражада соф фойда олиб турадиган бўлса, умумий инвестицияларни 2 йилда сал ортиқ вақтда тўлиқ қоплаб олиши мумкин эди, лекин 2020 йилдаги даражада фойда одиб турадиган бўлса, 32 йилдан ортиқ вақт керак бўлади деган хулосага келишимиз мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхонаси моддий-техника асослари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири хизмат кўрсатиш корхонасида бир ўринга тўғри келадиган ўртача тушумдир. Ушбу кўрсаткични аниқлаш орқали меҳмонхонадаги ҳар бир ўринга ўртача неча сўм тушум бўлаётганлигини кўрсатиб беради. Юқоридаги хизмат кўрсатиш корхонасида ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўтган йили 49615,28 минг сўмни, жорий йилда эса 25313,88 минг сўмни ташкил қилган, ушбу миқдор кўрсатадики, хизмат кўрсатиш корхонасида бир ўринга тўғри келадиган ўртача тушум ўтган йилга нисбатан 24301,4 синг сўмга, ёки 48,98 фоизга камайганлигидан далолат беради.

Хизмат кўрсатиш корхоналари моддий-техника асослари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалардан фойдаланиш коэффициенти. Ушбу кўрсаткичнинг аниқлаш, асосан хизмат кўрсатиш корхоналаридан меҳмонхона хўжаликларида аниқланади. Бу кўрсаткич орқали меҳмонхонада қанча потенциал койка/кунлари мавжуд ва уларнинг фойдаланиш коэффициенти қанчалигини ифодалайди. Мазкур кўрсаткич биз таҳлил қилаётган меҳмонхонада ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўтган йили 0,9, жорий йилда эса 0,45 коэффициентга тенг бўлган, ушбу миқдор кўрсатадики, мазкур меҳмонхонада потенциал койка/кунларининг ўрта ҳисобда 67,5 фоиздан фойдаланганлигини кўрсатади.

Ушбу гуруҳга кирувчи яна бир кўрсаткич Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалар самарадорлигидир. Биз таҳлил қилаётган меҳмонхонада бу кўрсаткичнинг миқдори ҳисобот даврида меҳмонхона хўжалигида фойдаланилган ҳар бир койка/кунлари қанча тушумни таъминлаганлигини кўрсатади. Биз таҳлил қилаётган меҳмонхонада бу кўрсаткич ўтган йили 55128,09 сўмни, жорий йилда 56253,07 сўмга тенглиги маълум бўляпти. Бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда 1124,98 сўмга кўпайган, ёки 2,04 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири битта ходимга тўғри келадиган ўртача тушум (хизмат кўрсатиш корхонаси ходимларининг меҳнат унумдорлиги, қийматда) ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори меҳнат унумдорлигини ифода этади, яъни бир ходимга бир йилда ўртача қанча тушум тўғри келганлигини билдиради. Агар бу кўрсаткични ҳисоблайдиган бўлсак, битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги ўтган йили 177197,4 минг сўм бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 84379,6 минг сўм битта ходимга бир йилда ўртача тушум тўғри

келганлигидан далолат беради. Мазкур кўрсаткич қанча кўпайиб борса, аҳвол шунчалик яхшиланиб бораётганлигидан далолат беради. Аммо биз таҳлил қилаётган хизмат кўрсатиш корхонасида бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда -92817,8 минг сўмга камайган, ёки ўтган йилга нисбатан 52,38 фоизга камайиб кетганлигини куришимиз мумкин. Бунинг энг асосий сабаби юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, 2020 йилда буту дунёда коронавирус эпидемияси тарқалиши натижасида, дунё мамлакатларида карантин чекловларининг жорий қилиниши билан боғлиқ.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматлар сони бўлиб (хизмат кўрсатиш корхонаси ходимларининг меҳнат унумдорлиги, натурал ўлчов бирликда) ҳисобланади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдори меҳнат унумдорлигини ифода этади, яъни бир ходимга бир йилда ўртача неча дона хизматлар сони тўғри келганлигини билдиради. Агар бу кўрсаткични ҳисоблайдиган бўлсак, битта ходимнинг меҳнат унумдорлиги ўтган йили 532 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 356 тани ташкил қиладиган бўлса, ўтган йили ҳисобот йилига қараганда ҳар бир ходим ўртача 176 дона кўпроқ хизматлар кўрсатганлигидан далолат беради.

Навбатдаги меҳнат самарадорлиги билан боғлиқ кўрсаткичлардан бири, Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматларнинг туридир. Албатта келажакда янада ривожланишни, ҳозирги рақобат майдонида ютиб чиқишни, рақобатбардошлигини ошириш имкониятларини ошириб боришни хоҳлаган хизмат кўрсатиш корхоналари, хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириб бориши лозим. Ушбу кўрсаткични ўрганиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, 2022 йил меҳмонхонада бир киши ўрта ҳисобда 52 хизмат турлари тўғри келган бўлса, жорий йилда 56 хизмат турлари тўғри келганлигини кўрсатади.

Хизмат кўрсатиш корхонаси самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардан яна бири, уларга жорий даврда қилинган харажатлар рентабеллигидир. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда хизмат кўрсатиш корхонасининг бир сўм қилинган харажатларга қанча фойданинг тўғри келганлигини кўрсатади. Хизмат кўрсатиш корхонасида бу кўрсаткичнинг миқдори бир сўм қилинган харажат ўрта ҳисобда ўтган йили 1,1845 жорий йилда 0,114 сўмлик фойда келтиришга эришилганлигини кўрсатмоқда.

Мазкур гуруҳга кирувчи навбатдаги кўрсаткич, ҳар бир кўрсатилган хизмат турларининг ўртача таннархидир. Бу кўрсаткич ҳар бир хизмат турига қанча харажат қилинганлигини ифода этади. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда хизмат кўрсатиш корхонасининг ҳар бир хизмат турига ўртача қанча харажат тўғри келганлигини ифодалайди. Бу кўрсаткичнинг миқдори ўтган йили 1376,5 минг сўм, жорий йилда эса 1022,97 минг сўм бўлди.

Хулоса ва таклифлар. "ZIOL BAXT" mas'uliyati cheklangan jamiyati меҳмонхонасининг 2022-2023 йиллардаги иқтисодий самарадорлигига умумий хулоса берадиган бўлсак, меҳмонхонага ижобий хулосалар беришимиз жуда мушкул, фақатгина бу хизмат кўрсатиш корхонасига киритилган инвестициялар миқдори ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлган:

- Хизмат кўрсатиш корхонаси 2022 йилда 1 436 287 минг сўм узоқ муддатли активларга эга бўлган бўлса, 2023 йилда 6 302 743 минг сўм узоқ муддатли активларга эга бўлган. Бу кўрсаткич ўтган йилга қараганда 1436287 минг сўмга кўпайиб, 29,5 фоиз ошганлиги кўриниб турибди. Аммо шу билан бирга жуда кўп натижавий кўрсаткичлар хизмат кўрсатиш корхонасида салбий ўсиш тенденциясига, яъни камайиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин:

- Сотилган маҳсулот (хизмат) дан тушум, ўтган йили 4961528 минг сўмни ташкил қилган бўлса жорий йилда 2531388 минг сўмни ташкил қилиб ўтган йилга нисбатан 49 фоизга камайган.

- Сотилган маҳсулот (хизмат) ларнинг таннархи, ўтган йилга қараганда 285604 минг сўмга камайганлиги ижобий ҳолат сифатида қарашимиз мумкин, аммо ўтган йили хизмат кўрсатиш корхонасида кўрсатилган хизматлар самарадорлиги 2,47 сўмни ташкил қилган

бўлса жорий йилда 1,47 сўмни ташкил қилмоқда, яъни ўтган йилга нисбатан харажатлар самарадорлиги 40 фоизга камайиб кетган.

- Хизмат кўрсатиш корхонасида жорий активлар суммаси ҳам ўтган йилга нисбатан 1372634 минг сўмга ёки 55,7 фоизга камайиб кетган.

- Меҳмонхонада фойдаланилган койка/кунлари ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган, бу кўрсаткич натижаси меҳмонхона соф фойдасига энг слбий таъсир кўрсатган кўрсаткичлардан биридир, чунки фойдаланилмаган 55 та койкаларнинг ўрнини сақлаш учун ҳам доимий харажатлар қилинади, буларнинг барчаси охир оқибат меҳмонхона соф фойдаси камайишига сабаб бўлган. Шунга қарамай корхона жаҳонда бир қанча йирик корхоналар пандемия таъсири сабаб банкротга тушиб қолаётган иқтисодий инкироз вақтида Хизмат кўрсатиш корхонасида умумий моддий техникалар самарадорлиги коэффиценти 2,04 фоизга, Хизмат кўрсатиш корхонасида битта ходимга тўғри келадиган ўртача хизматларнинг тури 7,7 фоизга оширишга эришган. Бу ҳолатни албатта ижобий баҳолаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М. Мирзиёев. Ўзбекистон - 2030 стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон.
2. M.Q.Pardayev, A.N.Xoliqulov, T.I.Yahyoeyev. Iqtisodiy tahlil. Darslik., SamISI, “Fan bulog‘i” nashriyoti, Samarqand.: 2024, 25,0 б.т.
3. A.N.Xoliqulov. Iqtisodiy tahlil va audit. O‘quv qo‘llanma, Samarqand: Fan bulo‘g‘i nashriyoti, 2023 yil – 208 bet 13,06 b.t.
4. A.N.Xoliqulov. Turistik korxonalar faoliyati tahlili. O‘quv-qullanma, Samarqand.: Fan bulog‘i nashriyoti, 2024 yil - 312 bet, 19,5 б.т.
5. Xoliqulov A.N. Xizmat ko‘rsatish korxonalari samaradorligini tahlil qilishning metodologiyasini takomillashtirish yo‘nalishlari. Monografiya. Samarqand iqtisodiyot va servis instituti – Samarqand.: “STEP-SEL” MCHJ. Nashriyoti, 2023 - 274 bet. 17,12 б.т.

<p>А.Холикулов Показатели эффективности гостиницы «ЗИЛОЛ БАХТ» и способы их определения</p>	<p>A.Kholikulov Indicators representing the efficiency of the hotel "ZILOL BAKHT" and ways to determine them</p>
<p>Аннотация: в статье приведены показатели, отражающие эффективность предприятий сферы услуг и способы их определения, а также способы определения общеэкономической эффективности предприятий сферы услуг. Ключевые слова: рентабельность, конкурентоспособность предприятий сферы услуг, услуга, сфера услуг, анализ рентабельности.</p>	<p>Abstract: the article presents the indicators representing the efficiency of service enterprises and ways of determining them, also the ways of determining the general economic efficiency of service enterprises. Keywords: cost-effectiveness, competitiveness of service enterprises, service, services sector, profitability analysis.</p>

Ibragim Xudayarovich Nimatov – “Ipak yo‘li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti tayanch doktorant

ZAMONAVIY TURIZMDA MOTIVLASHTIRISHGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI

Annotatsiya: ushbu maqolada sayohat qilish istagiga ta’sir etuvchi motivatsiya omillari va dam olish maskanini tanlash bo‘yicha qaror qabul qilishga undovchi kuchlar ta’siri o‘rganildi. Izlanishlar asosida motivlarning to‘rt guruhga ajratish taklif qilindi va motivlarni boshqarish vositalari bilan bog‘liqlik holati o‘rganildi. Tadqiqot obyektining bozor elementlari bilan bog‘liq jihatlari ochib berildi.
Kalit so‘zlar: sayohat motivi, destinatsiyani tanlash, turizm, turtki beruvchi va tortuvchi motivlar, turistik ehtiyoj, turistik talab.

Kirish. O‘zbekiston Respublikasida mehmondo‘stlik industriyasi rivojlanishining hozirgi

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

22.05.2024 йилда теришга берилди. 7.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076А/24.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.